



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 27 декабрь, чоршанба • № 98 (10.774) • Эркин нархда сотилади

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КЕНГАШ

25 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1995 йил якунлари муҳокамасига тайёргарлик ва келгуси йил режаларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн ва корпорациялар, илоралар, уюшма ва бирлашмалар, республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари қатнашди.

Ийгилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошқарди. Президент жорий йил якунларини атрофлича таҳлил қилар экан, иқтисодий ислохотлар рес-

публикамиз халқ ҳужалигининг барча жабҳаларига чуқур кириб бораётганини қайд этди. Халқ ҳужалигининг деярли барча соҳаларида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Кириб келаётган йилда бу янгиланишларни изчил давом эттирмоқ ва ҳар томонлама мустаҳкамламоқ зарур. Бунинг учун эса мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг асл маънасини одамлар онига чуқурроқ синдириш, уларда мулка эгаллик ҳиссини тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқ керак. Бу оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди. Афсуски, деб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ 1996 йили «АМИР ТЕМУР ЙИЛИ» ДЭБ ЭЪПОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА



Буюк давлат арбоби Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз жамоатчилигидан тушаётган қўллаб-тақлифларни инобатга олиб, унинг давлатчиликни барпо этишдаги, фан, таълим ва маданият тараққиётидаги улкан ҳиссасини назарда тутиб, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланиши тўғрисидаги қарорига эътиборан халқаро ва республика миқёсида тадбирлар ўтказилаётганлигини ҳисобга олиб,

Ўзбекистон фуқароларининг, ёш авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантириш мақсадида 1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 декабрь.

Амир Темур таваллудига аталди

БУЮК бобомиз соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан Бекобод шаҳрида истеъдодли ёшларнинг «Мархабо, талантлар!» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов шартларига кўра яқка қўшиқчиликда Умид Ҳалилов, Даврон Тошбоев, рақс бўйича

Жамила Эралиева, муסיқа асбобларида куй чалиш бўйича Роза Аралбоева, Тўлқин Мадаминов, Анвар Эшбоевлар ғолиб деб топилди. Ушбу тадбирни Бекобод шаҳар хотин-қизлар кенгаши, шаҳар маданият бўлими ҳамда Ёшлар иттифоқи Тошбоев, рақс бўйича

корликда тайёрлашди. Шаҳар ҳокими муовини, хотин-қизлар кенгаши раиси Г. Шарипова ғолиблар ва совриндорларга эсдалик совғаларини топширди. Кўрик-танлов ғолиблари энди вилоят бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этадилар. Ашурали БОЙМУРДОВ.

ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАБ

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси-дан маълум қилишларича, Париждаги ташқи савдо марказида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва Франция-Ўзбекистон ҳамкорлигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда Франциядаги юздан зиёд фирма ва компанияларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этадилар. Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар анжуманда Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида сиёсий барқарорлиги, иқтисодий ислохотлар йўналиши тўғрисида белгилангани билан ажралиб туриши ҳамда Президент Ислам Каримовнинг бу борадаги оқилона сиёсати алоҳида диққатга сазовор эканини айтди. У АҚШ, Япония, Хитой, Буюк Британия, Туркия, Малайзия ва бошқа хорижий давлатлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилаётган Ўзбекистон бугунги кунда хорижий сармоядорлар эътиборини тора кўпроқ жалб этаётганини таъкидлаб, франциялик тадбиркорлар бу борада секин ҳаракат қилаётганига эътиборини қаратди.

Узбекистон Республикасининг Франциядаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Акмал Саидов анжуман қатнашчиларига Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида» китобини тақдим этди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг илк босқичи якунлари ва иккинчи босқичнинг асосий вазифалари, устивор йўналишлар ҳамда хорижий ишбилармонлар учун бериладиган қарорлар ўз ақсини топганини таъкидлади. Китоб анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, франциялик тадбиркорлар Ўзбекистон элчихонаси уюштирган, мамлакатимизда чет эл сармояларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мажмуи, сармоя сарфлаш устивор саналган лойиҳалар рўйхати ва бошқа зарур иқтисодий маълумотлар ўрин олган кўргазма билан танишдилар.

(ЎзА).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА ВА
ТАТЬЯНА КАРИМОВА ХОНИМГА

Бизнинг оиламиз Сизга, яқин кишиларингизга, дўстларингиз ва севики одамларингизнинг ҳарорати билан йўғрилган байрамни хушнуд ўтказишингизни тилайди ҳамда яқинлашиб келаётган янги йил билан қутлайди.

Билл КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти
Хиллари Родхэм КЛИНТОН,
АҚШ Президенти рафиқаси.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ
ОЛИЙЛАРИГА

Янги йилда барча эзгуликлар
ёр бўлишга тиласоқман.

Жон МЕЙЖОР, Буюк
Британия Бош вазيري.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИНING ПЛЕНУМИ

ТОШКЕНТ вилояти хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар ҳаракатининг фойдалари, шунингдек, бир қатор вилоят бошқармалари ва ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Пленумда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг шу йил сентябрь ойида Пекинда бўлиб ўтган IV Бутунжаҳон хотин-қизлар қўмитасининг раиси С.Ху-жаева маъруза қилди.

Маърузачи ва музокарада сўз-фалар муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси С.Ху-жаева маъруза қилди.

га чиққан пленум қатнашчилари хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, уларнинг иқтисодий ва ривожлантириш, ўсиб келаётган авлоднинг тарбиялаш ва бошқа жабҳаларда қўшаётган ҳиссаларига тааллуқли қўллаб-қўллаш мисолларини келтирдилар. Дарҳақиқат хотин-қизлар халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизмат каби соҳаларда ишлаётган ходимлар-

нинг аксарият қисмини ташкил этадилар. Музокарада сўзга чиққан Оҳангарон шаҳридаги оилавий болалар уйининг раҳбари, Пекиндаги IV Бутунжаҳон конгрессининг қатнашчиси Д.Тожиева, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А.Содиқов, вилоят «Саноат-савдо» концерни раиси, вилоят тадбиркор хотин-қизлар ассоциациясининг Президенти Л.Аббасова, вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари А.Турмунов, Қўрай туманидаги 8-март санаторийсининг бош шифокори Г.Иброҳимова, вилоят

ИИБ профилактика хизмати бошқармасининг бошлиғи И.Расулов, Ўзбекистон Давлат телерадиоконанисининг ҳуқуқ бўлими мудири М.Асқарова аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш юзасидан ўзларининг тақлифларини билдиришди. Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Пленумда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг тарихи таъкидланди ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси Президиуми сайланди.



МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

ЖАҲОНГИР ЮРТИДА КЎПКАРИ

Яккабоғ туманидаги Аминсой адирини юзлаб отлар дўпирлари ларзага келтирди. Бу ерда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўпкари ва вилоят кишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашларининг ҳосил байрами бўлди.

Кўпкарида Қашқадарёнинг барча туман ва кишлоқлари, қўшни вилоят ва республикалардан келган 500 дан зиёд чавандоз қатнашди. Яккабоғлик

Шерали Ражабов бош соврин — УАЗ-469 русумли машина соҳиб бўлди. Байрам тантаналарида вилоят ҳокими О. Пармонов қатнашди.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Нукус шаҳрининг Абай номидаги ҳовлисида ана шу машҳур қозоқ шоири ва мутафаккири бюсти ўрнатилди. ЮНЕСКО қарори билан 150 йиллиги кенг нишонланган буюк алломоининг сиймоси акс эттирилган ёдгорлиқни очиб маросимида сўзга чиққанлар шoirга бу эҳтиром икки мамлакат халқлари дўстлигининг рамзи эканини таъкидлашди.

Самарқанд давлат дорилфунуни кимё факультети олимлари атмосферадаги кислород ва водород миқдорини аниқлашнинг янги усулини ишлаб чиқди. Бу ерда яратилган махсус курилла Самарқанд кимё заводи ва «Навоийазот» бирлашмасида тажрибадан муваффақиятли ўтди.

Чироқчи тумани ҳокимлигининг қарорига биноан барча мактабларга 2-5 гектардан ер ажратиб берилди. Бу ерларда болалар меҳнат қўрилмаси ҳосил қилади, маҳсулот етиштириш билан шуғулланади. Бундан тушадиган маблағ мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Қашқадарёдаги «Санъат» тикувчилик фабрикасида республика хотин-қизларининг сеvimли наشري «Саодат» журналининг 70 йиллигига бағишланган кеча бўлди. Унда журналда эълон қилинган аёллар кийими андозалари асосида тикилган кийим-кечаклар намойиш этилди. Қарши педагогика ва тиббиёт билим юрталарида ҳам журнал обидиёига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Тўртқўл тумани О. Дурдиев номидаги дехқон ҳўжаликлари уюшмасида яна бир гилам чеки очилди. Ўз қасбининг устаси О. Мератмородов бошчилигида иш-лаётган 200 нафар қиз-жу-вон харидорғир гиламлар тўқиб чиқара бошлади.

(ЎзА).

«ШАНШАР» — ҚИБРАЙЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

ЖАНУБИЙ Қозогистон вилояти ҳокимлигининг ёшлар билан ишлаш, туризм ҳамда спорт бошқармаси ва вилоят телерадиоконаниясига қарашли «Шаншар» эстрада кулги ва ҳазил театрининг бир гуруҳ артистлари Қибрай тумани меҳнаткашларининг меҳмони бўлишди. Улар тумандаги бир қатор ҳўжалик ва муассасаларда ўз санъатларини намойиш этиб, томошбинларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Айниқса, Урта Осиё «Кулги ярмаркаси»нинг совриндорлари Улибек Абдураимов, Жусип Акшороев, халқаро «Осиё овози» танловининг дипломанти Сакен Жўлбарисовларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

А. ФОЗИЛОВ.

КИЧИК КОРХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

ЎТИБ бораётган йил Куйичирчиқ тумани учун ҳўжаликларда кишлоқларни кенг қўламда саноатлаштириш йили бўлди, дейиш мумкин. Туман фаолларининг йил бошида — январь ойида бўлиб ўтган йиғилишида қўллаб-қўллаб кенг истеъмолат молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўрта ва кичик корхоналар, цехлар қуриб ишга тушириш, аҳолига маийший хизмат кўрсатишнинг тубдан яхшилаш имконини берадиган устаноналар очилган қарор қилинган эди. Мана, йил поёнидаги натижа — кишлоқларда 74 та корхона ва цехлар барпо этилиб, 830 нафар ишсизлар доимий иш билан таъминландилар. Ҳар бир кишлоқда сартарошхона, пойабзал, телевизор ва радио таъмирлайдиган устаноналар, ҳаммомлар аҳолига хизмат кўрсатяпти. Давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳусусийлаштирилган корхоналар эндиликда туман бўйича ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг 74 фоиз қисмини тайёрламоқда.

Туманда бу йил галла ва шолі майдонларидан мўл ҳосил етиштирилгани ун ва шолі тегирмонлари сонини кўпайтириш имконини берди. Шу кунларда ҳўжаликларда ҳусусий 14 та шолі оқлайдиган ҳамда ун тортадиган тегирмонлар ишлаб турипти. 1200 гектар майдондан 4 минг тонна дон хирмони кўтарган Беруний номли жамоа ҳўжалигида 2 минг тонна бугдой аҳоли ўртасида тақсимланган эди. Кишлоқда Назиркул Субанов оиласи билан мавжуд тегирмонни ҳусусийлаштириб олди. Ҳозир унинг тегирмонидан бир кеча-кундузда аҳолининг 4 тонна бугдойи юқори сифатли ун қилиб бериляпти. Шунингдек, «Ўзбекистон беш йиллиги», «Пахтачи» ва бошқа жамоа ҳўжаликларида ҳам бир кеча-кундузда ҳар бири икки тоннагача ун тортадиган тегирмонлар аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ОЛТИН МЕДАЛЬ ШАНҚАРДАН КЕЛДИ

ПИСКЕНТАДАГИ 3-ўрта мактабда билим олаётган Мирсобиёт расомликка чин ҳавас қўлган болалардан бири. Унинг мўйқаламига мансуб чизмалар, ранг тасвирлар дастлаб мактаб, кейинчалик туман, вилоят ёш расомлар кўргазмаларида бир неча бор совринларга сазовор бўлди.

Кейинчалик қобилиятини турли тўғаракларда ўстириб, бу йўналишда анча чиқиққан ҳаваскор-

ларнинг ижодий маҳсулларидан иккитадан танланиб, Хиндистондаги Шанқар халқаро ёш расомлар кўргазмасига ҳам жўнатилди.

Яқинда Шанқардан Мирсобиёт Мирсобиётнинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ғолиблик Фахрий ёрлиғи ва олтин медал у қўйётган мактабга етиб келди. Мукофот тантанали равишда эгасига топширилди.

С. ЙЎЛДОШЕВА.

ТЕХНИКУМДА — КАРНАВАЛ

22 ДЕКАБРЬ куни Тошкент туманидаги мева-сабзавотчилик техникумда янги йил байрамига бағишланган карнавал бўлиб ўтди. Кечада барча гуруҳлар ўзларининг янги йилга бағишланган деворий газеталарини ва энг яхши байрам кийимларини намойиш этидилар. Хаваскор хонандалар Камолдин Раҳмонбердиев, Дилхуш Орипов, Дилбара

Тўрақулова, «Бунёд» дастасининг ижросидаги қўшиқ ва ялларлар барчани рақсга қорлади. Кечада байрамолди пул-бюм лотереяси ўйналди. Техникум директори А. Назиров барча ўқитувчи ва талабаларни кириб келаётган янги йил билан табриклади.

Аллома АЗИЗОВА.



Р. Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бirlашмаси меҳнаткашлари Янги йил байрами дастурхонига мўл-кўл лимон, апельсин тортиқ қилмоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) ишчилар Баҳодир Дўстметов, Комилжон Мухамедов ва лимонарий бошлиғи Салоҳиддин Обидов (ўртада)ларни кўриб турибсиз.

Даврон АХМАД олган сурат.

МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида гапирилди

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА — БОШ ВАЗИФА

Вилоят касаб ва уюшмалари кенгаши ва «Тошкент ҳақиқати»нинг давра суҳбати

БОЗОР иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб борилаётган ҳозирги шaroитда меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг турмуш ва иш шaroитларини яхшилашга ёрдам берадиган барча омиллардан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туртинчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам бу муҳим масалаларга эътибор билан қараш зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Айниқса, бу иш касаб ва уюшмалари фаолиятини-

ни асосий мазмунини ташкил этмоғи лозим. Бунга эса кўп жиҳатдан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва ҳўжалиқлар маъмуриятлари билан меҳнаткашларнинг оммавий ташкилоти ҳисобланган касаб ва уюшмалари кўмиталари ўртасида тузилган ҳамда шартномалари орқали эришиш мумкин. Уларда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари катта ўрин олиши лозим.

Шуни ҳисобга олиб, Тошкент вилояти касаб ва уюшмалари кенгаши ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси тахририяти «Бозор муносабатлари шaroитларида ҳамда шартнома-

си» мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Унда касаб ва уюшмалари вилоят кўмиталарининг раислари, ҳамда шартномаси бўйича маъсул ходимлар, вилоят меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бoшқармаси вакиллари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ҳўжалиқлар раҳбарлари ва касаб ва уюшмалари кўмиталари раислари, қатор матбуот нашрларининг ходимлари қатнашди.

Давра суҳбатини вилоят касаб ва уюшмалари Кенгаши раиси М. Тўлаганова очди ва олиб борди.

кайтганлар, ногиронлар ва бошқалар бор.

Ўтган ойлار давомида вилоят шахар ва туманлари меҳнат биржаларида иш кидирувчилар сифатида 16 минг 924 киши рўйхатга олинди. Улардан 11 минг 291 киши корхона, ташкилот ва ҳўжалиқларга ишга жойлаштирилди. 35 минг нафардан ортиқ фуқаро эса ишсизлик макomini олди. Иш билан банд бўлмаган 1771 кишига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Ходимларимиз меҳнаткашларнинг бандлигини таъминлаш учун фаолиятини бошқа шаклларида ҳам фойдаланмоқдалар. Кейинги йилларда уларни қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишига аҳамият қўйилди. Бу ишчиларни ҳозирги вақтда халқ ҳўжалиғи учун зарур бўлган касбларга ўргатиш имконини бермоқда. Шу йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида касб бўйича 1800 нафардан ортиқ киши ўқитишга юборилди. Чунки Оққорғон тумани бўйича 225, Бўстонлиқ туманида 290, Юқоричирчиқ тумани бўйича 128 ходим ўқитишга юборилди.

Иш билан таъминлашга ёрдам берувчи ҳаммага маблағи ҳам ишсизликни камайтириш ишларида сарфланмоқда. Шу йилнинг 1 декабрига бoш маблағдан ишсизларга нафақа сифатида 1093 минг сўм, бешларнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатиш учун 47,6 минг сўм сарфланди. Ўқитиш ва қайта ўқитишга сарфланган маблағ салкам 2 миллион сўмни ташкил этди.

Айниқса, янги ишчи ўринларини яратишга ҳаражатларни аямаллик.

Шу йилнинг ўтган ўн бир ойида шу мақсад учун 9 мил-

лион 925 минг сўм сарфланди. Бунинг ҳисобига янги ки-чик корхоналар, ширкатлар, қўшимча цехлар ва бошқа шунга ўхшаш ишлаб чиқариш бўлинмалари ташкил этилди. Уларда 14 минг 300 та янги иш ўринлари барпо этилди. Бу шу вақт ичида барпо этилиш назарда тутилган ишчи ўринларини сонига нисбатан деярли бир ярим баравар кўпдир. Вилоятимиз шахарлари ва туманларида яқна тартибдаги фаолият билан шуғулланувчи фуқаролар сони ҳам кўпаймоқда. Ҳозирги вақтга-ча 14,5 мингдан ортиқ меҳнаткашларга яқна тартибда иш билан шуғулланиш учун рухсат берилди.

Бошқармаларимиз ходимлари тармок касаб ва уюшмалари кўмиталари вакиллари билан жойларда бўлиб, меҳнат шaroитларини ўрганоқдалар. Шу йил билан 8960 кишининг зарарли меҳнат шaroитларида ишлаётганлиги аниқланди. Шундай вазиятда ишлаётган қизлар хотин-қизлар қисқартирилган иш кўнуга ўтказилди.

Вилоят ишчи-хизматчилари билан статистика бoшқармаси, маҳаллий ҳўкимиятлар билан биргаликда 1995-2000 йилларга мўлжалланган вилоят кўнлик аҳолисини иш билан банд этиш таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ 44 минг 162 та янги иш ўринларини барпо этиш назарда тутилмоқда. Бу ишчиларни амалга оширишда касаб ва уюшмалари ҳам фаол қатнашишлари лозим бўлади. Демак, биз аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш соҳасида ҳамкорлигини янада қўлайлаштиришимиз, унинг амалий самарасини ҳар томонлама оширишга эришишимиз лозим.

ХУСУСИЙЛАШГАН, ПЕКИН...



— ФИРМАМИЗ 1991 йилда ташкил топган эди, — деди Чиноз туманидаги «Рауф-Икром» фирмаси раҳбари А. ЛАТИФЖОНОВ. — Бунгача биз Чиноз тумани матбуот жамяти уюшмаси (ҳозирги Чиноз акционерлик жамяти) таркибига қирардик. Дастлаб қўрилди материаллари билан савдо қилувчи дўконни хўсуслияштириб олдик ва унга «Бинокор» номини бердик. Ўша вақтда дўконда 6 киши меҳнат қиларди. Қўйинчиликлар кўп эди. Лекин, саяй-ҳаркатларимиз бе-кор кетмади. Фирмаимизнинг иши юришиб кетди. Дўконларимизни-нг сони 6 тага етди.

Фирмаимиз ажралиб чиққач, Чиноз тумани матбуот жамяти-лари уюшмаси касаб ва уюшмаси

кўмитаси билан ҳамкорлиги-мизни узганимиз йўқ. Кўмита бизга ишчиларни ижтимоий ҳўма қилиш ва ҳўқуқий ма-салалар бўйича ёрдам бериб турибди. Шу касаб ва уюш-маси кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда шартномаси талабларини ўзимизга ҳам маъкул деб ҳисоблашди ва фаолиятимизни шу асосда олиб борамиз.

Янги қўрилган барча дўкон-ларимиз ҳамда шартномаси-да қайд қилинган меҳнат ша-роити ва уни муҳофаза қилиш талабларига тўла жавоб бера-миз. Биз барча ишчи-хизмат-чиларни бепул текин тушлик билан таъминлашмиз. Пулни-нг қадрсизлигини ҳисобга олиб уларнинг ойлик иш ҳа-қини муттасил ошириб бора-миз. Ҳозирги кунда олаётган маошлари 1,5-2 минг орасида бўлмоқда.

Биз фирмамизда ҳам маъмурият билан ҳамда ўрта-сида шартнома тузишимиз мумкин. Лекин бунинг назарда тутамиз. Илгаригидек мат-лубот жамятилари уюшмаси касаб ва уюшмаси кўмитаси туз-ган шартномага қўшилишимиз.

Давра суҳбатда Чирчиқ шахар тадбир-корлар касаб ва уюшмаси кўмитаси раиси Л. Есипова, очик турдаги «Бектемир пахта тозалаш заводи» ҳиссдорлик жамяти хо-димини Т. Костинца, Қўйраб тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари А. Тўхтаев, Янгийўл тумани марказий ка-салхонасини касаб ва уюшмаси кўмитаси раи-си А. Акбаровлар ҳам сўзга чиқдилар.

«Давра суҳбати»да қўрилган масала ҳа-қиқатан ҳам жуда муҳим. Нотиклар таъкид-лаганидек, ҳали бу соҳада ютуқлар билан бирга камчиликлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам кўп. Республика Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлисининг тўр-тинчи сессиясидаги нутқида ҳам меҳнат-кашларни муҳофаза қилишни ҳар томон-лама қўлайлаштириш, айниқса, бозор иқтисо-дийётига ўтиш шaroитида юзага келаётган муайян турмуш қўйинчиликларини имкон қадар юмшатиш маҳаллий ҳўкимиятлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар маъмуриятлари қатори жамоат ташкилот-ларининг ҳам бoш вазифаси бўлиб қоли-ши лозимлиги айтилди. Касаб ва уюшма-лари ҳам бундан тегишли хўлоса чиқариб, ишчи-хизматчилари вазибаларни бажаришда фаол иштирок этишлари керак.

ҲАЛ ҚИЛИНИШИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР



— ЖАМОА шартномаси иш-чи-хизматчиларнинг сиёсий-иқтисодий ҳўқуқларини ҳўма қилиш воситасидир, — деди давра суҳбатда биринчи бўлиб сўзга чиққан вилоят касаб ва уюшмалари кенгаши раи-сининг ўринбосари, декончи-лик санoати мажмуи ходимла-ри касаб ва уюшмаси вилоят кўмитасининг раиси К. ШОДИ-МЕТОВ. — Бу ҳўжатнинг асо-сий вазифаси шундан иборат. Унда ишчи-хизматчиларни иж-тимоий муҳофаза қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Шунинг учун ҳам жамоа шартномалари тузишда масала-нинг бу томонида алоҳида эътибор беришмоқда. Айниқса, ҳозирги шaroитда бу муҳим иш бўлиб қолди. Шунинг айтиш и-фояки, 1995 йилда жамоа ҳў-жалиқлари, давлат корхонала-ри, фермерлар маъмуриятла-ри билан касаб ва уюшмалари кўмиталари ўртасида 792 та жамоа шартномаси тузилди. Биз ҳар доим бундай муҳим ҳўжатларни тузишга пухта ҳо-зирилик қураимиз. Жойларда се-минарлар ўтказамиз, газетда, журналлар саҳифаларида чи-қишлар қиламиз. Уларда жа-моа шартномасини тузишда қандай масалаларни, инoбат-га олиш лозимлиги таъкидла-нади ва бу йўлда тушунти-ришлар, маслаҳатлар берила-ди.

БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНЯПМИЗ

— Бошқарма маъмурияти билан бирлашган касаб ва уюш-малари кўмитаси ўртасида жамоа шартномаси тузишга пухта ҳо-зирилик қураимиз, — деди у сў-зида «Тошвилоятга» ишлаб чи-қариш бoшқармасининг бошли-ғи Ғ. ЖУРАЕВ. — Унда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳо-фаза қилиш масаласига алоҳи-да эътибор берилади. Шунга му-вофиқ бу соҳада қўшпаёл тадбир-лар амалга оширилади ва ҳо-зир ҳам амалга оширилмоқда. Бу ҳақда қисқача тўхталиб ўтмоқ-чимиз.

Ғазиларни қиш мавсумида катрошқа-сабзавот билан таъминлаш учун 3 миллион 237 минг сўм ажратилди. Ёки бош-қача қилиб айтганда ҳар бир ишчи-хизматчига 1500 сўмдан пул тарқатилди. Корхонами-зда ишлаб, нафақага кузатилаётган ишчиларга моддий ёрдам бериш ҳам йўлга қўйилган. Ёнг ҳам деганда бир ойлик маош миқдори-да пул берилади. Бу йил 8 киши нафақага кузатилади ва уларга 32 минг сўм миқдорида ердам пули берилади.

Ҳозирги шaroитда уй-жой ку-риш жуда мушкул бўлиб қолди. Бунинг ҳисобига олинган тартиб-да уй-жой қурувчиларга қарб бе-ришни йўлга қўйди. Бу йил салкам 30 кишига шундай ер-дам кўрсатилди. Уларга корхона маблағидан 230 минг сўм аж-ратилди.

Меҳнаткашларнинг пуллиқ шифохоналари, касалхоналари даволашлари учун 200 минг сўм ажратилди. Ҳозиргача 30 нафарга яқин ишчимиз шундай даволашни муассасаларида уз саломатликларини мустаҳкамла-дилар. Санаторийларда давола-шни учун ажратилган маблағ ҳажми 325 минг сўмни ташкил этди. Ҳозиргача 40 дан ортиқ ишчи-хизматчи санаторийларда даволандилар.

Ғаз санoати соҳасида 15 йил-дан ортиқ ишлаган меҳнат фахрийларига ҳар йили Ғазчи-лар кўни байрами муносабати билан иккита сўм ҳам ойлик миқдорида пул мукофоти бе-ралимиз. Бу бир йилда деярли 250 минг сўмни ташкил этмоқ-да. 50 ешга тулган ғазчилари-мизга 10 та ёнг ҳам ойлик миқ-дорида мукофот пули тузюмоқ-да. Бундан ташқари, ешлар тур-муш қурадиган бўлса урғача ойилнинг иккитаси миқдори-да пул ажратилапти.

Бозор иқтисодиётига ўтилаёт-ган ҳозирги шaroитда қишлоқ ҳў-жалиғи меҳнаткашларини ижти-моий муҳофаза қилиш ниятда зарур бўлиб қолди. Чунки муай-ян иқтисодий қийинчиликлар ту-ғайли деконлар, чоравдорлар-нинг турмуш шaroитларини маълум даражада пайсимоқда. Қишлоқ ҳўжалиқ корхоналарини акцио-нерлик жамятиларига айланти-риш, хўсуслияштириш натижа-сида жамоанинг ўзи мулк эгаси бўлиб қолмоқда. Бу айрим муа-момларни юзага келтирди. Жа-моа мулк эгаси бўлгандан кейин у билан маъмурият ўртасида жа-моа шартномалари қандай тузи-лиши керак? Ҳозирча бу ҳақда ҳеч қандай йўл-йўриқ йўқ.

Илгари ишлаб чиқариш бор ҳойдагина жамоа шартномалари тузиларди. Бошқарув идорала-ри уни тузиш ҳеч қимнинг эси-га келмасди. Эндиликда шaroит ўзгарди. Бизнингча, бошқарув идораларида ҳам ходимларни маънавиятларига ҳимат қилувчи жамоа шартномаларини тузиш зарур деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам биз келгуси йилда ана шундай шартномалар тузиш ния-тиимиз бор. Ҳозирги вақтда унга тайёргарлик қилишмоқда.

Иқтисодийнинг барча тар-мокларига нисбатан қишлоқ ҳў-жалиғи соҳаларида ҳам қичик корхоналар, қўшма корхоналар, ширкатлар пайдо бўлмоқда. Ай-тиш мумкинки, улар тез кўпайиб борапти, фаолияти тасдиқланган низомиларга мувофиқ олиб бо-ришмоқда. Бу низомиларда эса ишчи-хизматчиларнинг ҳўқуқла-рини ҳўма қилиш ҳақида деяр-ли моддалар йўқ. Шунинг учун ҳам Низомиларни қайта қўриб чи-қиш вақти келди. Шундай қилин-са бошланғич касаб ва уюшма-лари кўмиталарининг роли ҳам яна-да ошган бўларди. Бизнинг фик-ринизча, бу муаммолар қанча тез ҳал қилинса, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш иши самараси шунча яхшиланади.

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАГАН



— КОРХОНАМИЗДА ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳо-фаза қилишнинг турли шакллари-дан аниқ мақсадли қўшпаёл фой-даланилмоқда, — деди Тошкент давлат туман электр станцияси директорининг ўринбосари Т. АХМЕДОВ. — Бирор киши ҳам бундай таъминлаш четда қо-лмаган. Албатта, таркибда мин-лаб меҳнаткашлар ишлайдиган жамоани ижтимоий-муҳофаза бил-дан қамраб олишнинг ўзи бўл-майди. Бунинг учун катта маб-лағ талаб қилинади. Лекин нур-хона маъмурияти ҳам, касаб ва уюшмаси кўмитаси ҳам ижти-моий-муҳофазани яхшилаш йўли-да барча имкониятларини иш-та солишти астойдил ҳаракат қи-лоқдалар.

Ишлаб чиқариш ишорларини моддий рағбатлантириш тарти-би ҳам худди шу мақсадга қўйил-ляпти. Нурхона бир маромда иш-

Корхонамиз Тошкент шахри чеккасида жойлашган. Шу сабаб-ли ишчи-хизматчиларнинг ишга қатнашиш ва қайтиши учун тра-нспорт хизмати ҳақи корхона ҳи-собидан туланапти. Масалан, ша-хар атрофида яшовчиларга куни-га 20 сўмдан, қишлоқлардан ке-либ ишловчиларга 30 сўмдан пул ажратмоқдамиз.

Меҳнат таътилига чиқаётган ишчи ва хизматчиларга давола-ниш учун иш стажига қараб таъ-риф ёки маошининг 50 фоиздан 100 фоизгача бўлган миқдорда қўшимча пул тузюмоқда. Улар даволаш муассасалари, умумий овқатланиш корхоналари, ма-лаини уй ва стадион хизматидан ҳам бепул ёки имтиёзли фойда-ланишлари, бундай муассасалар-нинг ходимлари ҳам нурчилар қа-тори ижтимоий муҳофаза қилин-моқда.

Маъмурият, жамоа шартно-маси корхонада иш берувчи билан ҳоймалар ўртасидаги меҳнат, иж-тимоий-иқтисодий ва касбга қид муносабатларини ўз ичига олувчи меъёрий ҳўжатлар. Бизнинг фикримизча бундай шартнома-ларни ҳар йили тузиб ўтирмас-дан ҳўмининг 2-3 йилда мул-жаллаб таъин мақсадга мувофиқ бўларди. Бу, биринчидан вақтин-текса, иккинчидан ижтимоий муҳофазанинг кўп йилларга мул-жалланган таркиби олдидан бел-гиланган ва уни амалга ошириш учун маъсулият янада қўлайган бўлар эди. Лекин шартномалар-нинг ижросини вақти-вақтида текшириб туриш тартибидан сақ-

«Бозор муносабатлари ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар қўқурлашган сари аҳолининг турмуш даражасига таъсир қиладиган камчиликлар ҳам сўзсиз пайдо бўлишини назарда тутишимиз керак. Шу сабабли қучли ижтимоий сиёсатни унутмас-лигимиз лозим. Ижтимоий муҳофаза воситаларини янада мустаҳкамлаш учун аниқ йўналишни қўлайтириш зарур».

Ислам КАРИМОВ.



Суратда: давра суҳбати пайти.

ласа қўпдан кўп санoат корхона-лари, минглаб хонадонларни ҳаёт-бахш электр энергияси билан таъминлаш шўнчалик яхши бў-лади. Бу ишга муносиб ҳисса қўшаётган эса ҳўрмат-эътиборга лойиқликлар. Шунинг учун биз-да меҳнат муносабати ҳўмон да-вом этмоқда. Унинг натижалари бритаёллар, вахталар, бўлинмалар ўртасида ҳар чоракда бир марта яқунланади. Илгорилар моддий ва маънавий рағбатлантириладилар. Айрим ишчи-хизматчилар эса меҳнатда эришган ютуқларини учун таъриф ставкаларига қўшимча ҳақ олашлар.

Нафақага чиқаётган энгерте-ликларга уларнинг иш стажига қараб 3 танга то 15 тангача бу-лган ёнг ҳам иш ҳақи миқдорида пул тузюлади. Бундан ташқари, узоқ муддат ишлаганларини учун ҳар ойлик маошининг 0,6 дан то 2,5 фоизгача бўлган ҳажмида му-кофот беришмоқда.

лаб қолиш керак. Республика Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган сессияси-да Меҳнат кодексини муҳокам-ла қилинди. Бу муҳим ҳўжат халқ му-ҳокамасига қўйилди. Бу албатта, бу соҳада яна бир олдига то-мон қўйилган қадим бўлди. Унда ишчи-хизматчиларнинг иш-жойлар ҳам бор. Улар бизни жуда қизиқтирмоқда. Кодекс лойиҳасида жамоа шартномаси-лар тарафдан, ҳоймалар томони-дан, касаб ва уюшмалари ёки уза-лири ваколат берган бошқа ва-киллик ортиқларни томонидан ик-кинчи тарафдан иш берувчи ёки ваколат берган вакиллар ўртаси-да тузилган уларнинг иш стажига қараб 3 танга то 15 тангача бу-лган ёнг ҳам иш ҳақи миқдорида пул тузюлади. Бундан ташқари, узоқ муддат ишлаганларини учун ҳар ойлик маошининг 0,6 дан то 2,5 фоизгача бўлган ҳажмида му-кофот беришмоқда.

ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ ОЧИЯПТИ



— Бозор иқтисодиётга ўтилаёт-ган ҳозирги вақтда ишчиликнинг қай-майири, бунинг учун янги иш жой-лари очил катта аҳамиятга эга-дир, — деди Охангори цемент ҳиссдорлик жамяти касаб ва уюш-маси кўмитасининг раиси Э. ТО-ЛИПОВ. — Бу меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим шаклларида бири ҳисоб-ланади. Шунинг ҳисобига олиб кей-инги йилларда шу мақсадда қатор тадбирлар қўрилади. Янги ишлаб чи-қариш бўлинмалари ташкил этил-

Цементни қоплаш цехи ишга ту-ширилди. Цехда эса 35 киши иш-ламоқда. Бундан ташқари, тикув-чилик цехи ҳам барпо этилди. Унда цементчилар учун турли кор-жомалар тикилмоқда. Айни вақт-да бу цехда 12 нафар киши иш-ляпти. Ҳозирги вақтда утга чи-дамли тигит бошқа мамлакатлар-да ишлатиларди. Эндиликда шундай тигит ишчи-хизматчилар цехини узишмида барпо этилди. У фойдаланишга топширилган, 35 киши иш билан таъминланади.

Ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли шаклларида фойдаланил-миз. Масалан, навабдалар меҳнат таътилига чиқаётган учун ҳар йили бир марта саломатлигини мустаҳкамлаш учун иш стажига қа-раб ёнг ҳам иш ҳақининг 50 фоиз-дан 250 фоизгача миқдорда қў-шимча ҳақ тузюмоқда. Агар хо-дим йил давомида беморлик ва-расисиз ишлаган бўлса, бу ерда пули миқдори икки баравар орта-ди. Нафақага чиқилш муносабати билан ҳар бир ишдаги йили учун ёнг ҳам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пул берилади. Бунин-чи марта турмуш қураётган ва бир-лашмида бир йилдан ортиқ иш-

— Жамоамиз байналмилал, — деди Янгийўлдаги ижара ки-тоб фабрикаси касаб ва уюш-маси кўмитаси раиси В. КАЛИН-НИК. — Маҳаллий миллият ва-киллари эса қўнчилигини таш-кил қиладилар. Улар одатда тўй-ҳашамларни каттароқ қилишча. Тошган-тузганларини уй-жойлар қуришга сарфлашади. Ҳозирги вақтда эса тўй-маъра-калар қилиш ҳам, уй-жой қу-риш ҳам жуда мушкул бўлиб қолди. Корхона маъмурияти ва касаб ва уюшмаси кўмитаси уни бироз бўлса ҳам енгилашти-ришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун маблағ ажратил-ляпти. Тошган-тузганларини таъмирлашда ёрдам сифатида маошининг ярми миқдорида пул ажратилади ва корхонами-здаги қурилиш гурӯҳи ишчилари юборилади.

Уларга бошқа қўринишда ёрдам бериш ҳам йўлга қўйил-ган. Жумладан, тушмиллари учун ҳар ойда 110 сўмлик та-лоилар оладилар. Махсус жи-ҳозланган тиббиёт пункти иш-лаб турибди. Спорт зали ҳам қўзғолган. Унда турли спорт гу-руҳлари бор. Ишчи-хизматчи-ларнинг рўзғори учун зарур бў-ладиган турли-туман озиқ-ов-кат маҳсулотлари, жумладан ун, қанд-шакар, картошка, пиёз ва бошқа шу қабилар олиб бе-рилмоқда.

Корхона маъмурияти ва ка-саб ва уюшмаси кўмитаси ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳи-мо қилиш йўлидаги саяй-ха-ракатларни тўхтовсиз олиб бе-радидилар.

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРАМИЗ



— БОШҚАРМАМИЗ вилоят ҳу-даида истиқомат қиладиган ва ҳозирги вақтда банд бўлмаган

муносабати билан уларга ой-лик маош миқдорида пул тар-қатилади. Нафақага чиқаётган-ларга корхонами-зда ишлаган вақтининг давомилигига қа-раб 10 та ойлик маоши миқ-доригача маблағ тузюлади. Иш-чи-хизматчиларга узаляри яшаётган қавартираларни таъмирлашда ёрдам сифатида маошининг ярми миқдорида пул ажратилади ва корхонами-здаги қурилиш гурӯҳи ишчилари юборилади.

Уларга бошқа қўринишда ёрдам бериш ҳам йўлга қўйил-ган. Жумладан, тушмиллари учун ҳар ойда 110 сўмлик та-лоилар оладилар. Махсус жи-ҳозланган тиббиёт пункти иш-лаб турибди. Спорт зали ҳам қўзғолган. Унда турли спорт гу-руҳлари бор. Ишчи-хизматчи-ларнинг рўзғори учун зарур бў-ладиган турли-туман озиқ-ов-кат маҳсулотлари, жумладан ун, қанд-шакар, картошка, пиёз ва бошқа шу қабилар олиб бе-рилмоқда.

Корхона маъмурияти ва ка-саб ва уюшмаси кўмитаси ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳи-мо қилиш йўлидаги саяй-ха-ракатларни тўхтовсиз олиб бе-радидилар.

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

фуқароларни иш билан таъмин-лаш ва уларни ижтимоий муҳо-фаза қилиш бўйича ҳар йилги-дек бу йил ҳам муайян ишларни амалга оширди, — деди вилоят меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қи-лиш бoшқармаси бошлиғи Т. ХОЛБОВ. — Шу йилнинг ўтган даврида аҳолининг рақобатлаша олмайдиган қатламдан бўлган 5339 киши ишга жойлаштирил-ди. Улар орасида ёш болани, но-гирон фарзандлари бўлган ёл-ғиз ва кўп болали оналар, ўрта умумтаълим мактабларини би-тирган ёшлар, ҳарбий хизматдан

